

ЙИГИМ-ТЕРИМ СУРЪАТИНИ КУЧАЙТИРИШ КЕРАК

«Коммунизм» колхози пахтакорлари бу йил 2400 гектар ерда олинган мажбуриятни қоплашдаги миқдорда ҳосил ештиришди.

Коммунист Сирожиддин Тўлагов бошлиқ комплекс механизациялашган 17-бригада аъзолари ештирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олинган ташаббускор бўлишди. Йиллик пахта тайёрлаш плани колхозда биринчилар қаторида bajarилди. Бригаданинг коммунист Токи Тўлагов ва Икром ота каби аъзолари бошқаларга шахсий намуна кўрсатиб ишламоқдалар. Колхознинг коммунист Холтўра Қораев бошлиқ бригадаси ҳам пахта териш ва топиришда энг олдинги ўринни эгаллаб келаётир.

Колхоз партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида бу каби илгор бригадалар ва ағаларнинг кўрсатилган коммунистларнинг номи қайд қилиб ўтилгани билан бирга пахта йиғим-теришда орада қоплаётган бригадалар қаттиқ танқид қилинди.

Колхозда график бўйича 1448 ишчи йиғим-теришда қатнашиб, бир кунда 80 тоннадан ортиқ пахта топиришти керак. Аммо бу график қўйишга bajarилмади. Коммунист Қурбонали Илбаевнинг бошлиқ 21-бригада йиллик планни энди 40 процент bajarди, холос. Бригадага бириктирилган участка партия ташкилотларнинг секретари ўртоқ Сарийов Тастарқоннинг амалий ердани сезилмаётир.

Шу нарсани алоҳида қайд қилиб ўтиш керакики, колхозда пахта ташкилотлари теришда жиддий эътибор берилмаётир. Назифа Бегулова, Мухтор Абдулов каби моҳир механизаторлар терим нормаларини ортиги билан bajarайтганлари ҳолда, кўпчилик ағзаларнинг кунлик иш унуми 400-500 килограммдан ошмайди. Шунинг учун ҳам графикда белгиланган 31 тонна ўрнига бир кунда 13,5—14 тонна пахта терилмаётир. Колхоз раисининг механизация бўйича ўйинбосари коммунист Мадиев Эризабиров аса илгорлар тажрибасини йиғиб, машиналарнинг иш унумини ошириш учун ҳаракат қилмаётир.

Колхознинг Фрунзе участкасидаги 35 коммунист мавсумда 46 минг 800 килограмм пахта териш мажбуриятини олган эди. Аммо бу кўрсаткичнинг ярини ҳам bajarилгани йўқ. А. Мамаев, И. Холназаров каби коммунистлар мавсумда бир килограмм ҳам пахта термаганлар.

Доклад юзасидан сўзга чиққан ўртоқ С. Тўлаговнинг колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар бўлиб борилаётганлиги, партия комитети агитпункт ва агитаторларнинг ишлари устидан етарли

назорат қилмаётганлигини айтди. Колхоз радиоузели орқали партия комитети аъзолари, агитатор коммунистлар турли темаларда сўхбатлар ўтказиб, турмайдилар. Колхоз клублари маданий марказга айлантирилмаган, хаваскор ёшлар жуда кўп бўлишига қарамай, спорт, хор, драма тўғрисида ташкил қилинмаётир.

Музокарада чиқиб сўзлаган ўртоқ Т. Раҳмонов хотин-қизлар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар бўлиб олиб борилаётганлигини қайд қилди. Колхозда кўшхотинли, хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлувчи йишлар ҳам борли, эндиликда бундай шахслар билан муроасозлик қилиб бўлмайди. Ясли мудирлари ҳисобга олилмаганда колхоз хотин-қизлардан на раис ўйинбосари, не агроном, на бригадир ва на табелчи бор!

Партия комитети хотин-қизлар советининг иштини жонлантиришга етарли ердан бериётир. Турғи, илгор сўз соғушчи Фариди Зокирова, турсуночи механизаторлардан Назифа Бегулова, Эркиной Ганиевалар партия сафарига қабул қилинганлиги қувончли бўлди. Аммо колхоз партия ташкилоти ҳисобидан 88 та коммунистнинг жуда оз қисминини хотин-қизлардандир.

Усмонов ва бошқа коммунистлар колхозда чорвачиликни ривожлантириш ва чорва молларининг маҳсулдорлигини оширишга ҳам жиддий эътибор берилмаётганлигини кўрсатиб ўтдилар. Чорва молларининг сони пландагидан анча кам. Колхозда ҳар бир сизгардан соғиб олинган сўт ўтган йилларга нисбатан кескин камайиб кетди. Ём-хашак, беда тайёрлаш, чорва қишлоғига тайёрларлик қўришда ҳам жиддий нуқсонлар мавжуд.

— Пахтадан мўл ҳосил олишни мўлжаллаган оқимиз, кузги шугурнинг ўзи вақтида, сифатли ўтказилиши керак,— деди коммунист ўртоқ Абдулла Қурбонов.— Лекин колхозимизда бу муҳим ишга жиддий киришганимиз йўқ. 10 та ҳафда тракторидан иккитаси узон вақтдан буюн 2-РТСда ремонтда турибди. Даллада ишлаётган 3 тракторнинг иш унуми паст. 8 ноябргача колхозда бор-йўғи 132 гектар ер кузги шугур қилинганлигини нима деб изоҳлаш мумкин?

Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиши юқоридagi каби қатор камчиликларни очиб ташлаш билан бирга бу камчиликларни қисқа вақт ичида бартараф қилиш тадбирларини белгилаб берди. Колхоз партия комитетининг яниги буюр, саставини сайлади. Партия комитетининг секретари қилиб ўртоқ Раҳим Эшонхўжаев сайланди.

Б. МИРЗААХМЕДОВ,
Янгйўл райони.

БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ СЕКРЕТАРЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ

Яқинда Гулистон районидаги бошланғич партия ташкилотлари секретарларнинг бир кунлик семинари бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини юқори савияда, коммунистларнинг актив иштирокида ўтказиш масаласини кенг муҳокама қилдилар. Бу соҳада эришилган яхши натижалар қайд қилинди, йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек семинарда халқ судлари сайловига тайёргарлик қўриш, партия маорифи шохобчаларида машғулотларнинг бориши ҳақидаги докладлар ҳам тингланди.

Семинарда район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ К. Якубов КПСС Марказий Комитети декабри Пленумини ишлаб чиқаришда муносаб соғаларни билан кутиб олишда район меҳнаткашларининг вазифалари ҳақида доклад қилди.

Танқидий мулоҳазалар эътиборга олинмоқда

Куйбисhev районидаги бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар активлиги кўрсатмоқдалар. Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистларнинг 20 процентдан кўпроғи сўзга чиқиб, партия ташкилотлари иш фаолиятини яхшилашга қаратилган талайгина фойдали таклифлар киритдилар. Уларнинг таклиф мулоҳазаларига район партия комитети алоҳида эътибор бермоқда.

Масалан, Тельман номидаги маданият ва истироҳат парк партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишида парк территориясида спиртли ичимликлар билан савдо қилиш каби ярамас фактларнинг мавжудлиги қаттиқ танқид қилинди. Коммунистлар томонидан кўтарилган бу масалалар ўрилиб эди. Чунки паркда ичимликлар билан савдо қилиш кейинги пайларда айнаси ааж олди. Район партия комитети бу масалани жиддий муҳокама қилди. Паркини озми-оқсат маҳсулотлари билан етарли равишда таъминлаб туриш савдо ташкилотлари раҳбарлари зиммасига юклатилди. Район ижроия комитетининг маданият бўлими парк дирекцияси билан биргаликда бу ерда маданий ва маиший ишлари жонлантириш планини тўзиб чиқди. Шундай қилиб, коммунистларнинг эътирозлари эътиборга олинди, йўл қўйилган хато ва камчиликларга барҳам берилди.

Тошкенткабель заводи партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишида шаҳар транспортининг қониқарсиз ишлайётганлиги кўрсатилган эди. Район партия комитети йиғилишдан сўнг транспорт қатновчи билан жиддий шуғулланди ва аҳолини яхшилаш юзасидан тегишли тадбирлар белгилди. Ҳозир таъкид қилинган маршрутларда автобуслар сон бирмунча кўпайтирилди, уларнинг системали ишлаб туриши таъминланди.

Трикотак фабрикаси коммунистлари ўз йиғилишларида фабрика бош инженери Власикиннинг цехларда камдан-кам бўлаётганлиги ва ишлаб чиқаришга техника раҳбарлиги мажбурият билан етарли равишда шуғулланганлигини қаттиқ танқид қилган эдилар. Район партия комитети коммунистларнинг танқидий мулоҳазаларини ҳисобга олиб, фабрика ишлаб чиқаришига техника раҳбарлигини яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқди.

Райком бюроси Олой ва Сельмас бозорлари, кир ювиш қўбинати ҳамда 1-вино заводи партия ташкилотлари шайига айтилган эътирозларни ҳам атрофчила ўрганиб чиқди ва аҳолини яхшилаш мақсадига зарур чоралар белгилди.

Куйбисhev район партия комитетининг бундай тадбирларни амалга ошираётганлиги бошланғич партия ташкилотлари иш фаолиятини яхшилашда катта аҳамиятга эгадир.

Е. ГАЦЕВИЧ.



Санталят Асқарова — Тошкентдаги кимё фармацевтика заводининг пешақар ишчиларидан биридир. Ўз касбини пухта эгаллаб бу ёш қиз смена нормасини анча ошириб адо этмоқда. Суратда: ўртоқ С. Асқарова иш устида. А. Палехов фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗДАН

„Ҳали ҳам вақт ғанимат“

Тошкент тўйимачилик комбинатида кишга тайёргарлик ишларининг қониқарсиз олиб борилаётганлиги тўғрисидаги танқидий материал газетамизнинг 201-сонда юрсидаги сарлавҳа билан бўлиб чиққан эди. Ўзбекистон Халқ ҳўжалиги негга-

ши тўйимачилик ва трикотаж саноати бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. Шербаковнинг редакцияга мазлум қилишича, тўйимачилик комбинатининг фабрикаларида кишга тайёргарликнинг қониқарсиз олиб борилиши ҳақидаги масала газетдада ўз вақтида кўтарилган деб топилаган. Материалда келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланган. Комбинатда кишга тайёргарлик юзасидан ремонт ишларини маддаллаштириш учун барча зарур тадбирлар қўрилган.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“

2-БЕТ, 25 НОЯБРЬ, 1960 ЙИЛ.



Стол устида даста-даста пуллар турибди. Ишчилар бирма-бир келиб, ведомостга имзо чекишда ва белгиланган миқдордаги маошини олаётдилар. Олмалық саралаш фабрикасининг ишчилари иш ҳақини касирсиз олинган ўтдилар. Суратда: фабрика ишчиларидан (чапдан ўнгга) З. Шанина, Ш. Муродов ва М. Денисенко ўртоқлар маош олмоқдалар.

МУСОБАҚА АВЖ ОЛМОҚДА

Оҳангарон шахридаги саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотлари коллективлари ўртасида КПСС Марказий Комитетининг навабтаги Пленумини муносаб меҳнат соғалари билан кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа кун сайин авж олмоқда.

Бу мусобақада актив иштирок этаётган кўпчилик коллективлар ажойиб муваффақиятларини кўзга кўриштирилди. Айнасида кон қидириш экспедицияси меҳнатсевар коллективининг эришайётган ютуқлари мактовга сазовордир. Ўз қўйларига топириб қўйилган қудратли агрегат ва ускуналардан ишининг қўзғилиши билан берилаётган, илгор иш методларини ва прогрессив технологияни кенг қўлланыётган пармаловчилар етти йилликнинг иккинчи йили топиригини мундидан бир ярим ой илгари адо этишди. Шу давр ичида пландагига қўшимча равишда 900 метр скважина пармаланди.

Қўлга киритилган бу ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун астойдил ишлайётган экспедиция коллективи

Заводда фильм яратилмоқда

Чирчиқдаги Ўзбекистон кимё машинасозлиги заводи коллективи «Катта кимё» қурилушларини кимё аппаратуралари билан таъминлашдек шарафли вазифани муваффақиятли бажармоқда. Коллектив 1960 йилда планга қўйилган равишда 11 миллион сўмлик кимё ускуналар тайёрлаб бериш мажбуриятини олган. Бу мажбурият ишчи, хизматчиларнинг ғайрат ва ташаббуси тўғрйли муваффақият билан bajarилмаётир. Корхона ишлаб чиқаришида дечал ва конструкциялар пайвандаш асосий процесс ҳисобланади. Шу сабабли ҳам бу ерда пайвандаш ишлари тўғрисида таъминлашмоқда. Ҳозир бу ерда пайвандаш ишларининг 60 проценти автоматик усулда бажарилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги давлат илмий-техника комитети ва Ўзбекистон Халқ ҳўжалик негашининг қарори билан корхонада амалга оширилаётган автоматик пайвандаш киного олинмоқда. Бу яниги техника фильми чирчиқликдан эришган ажойиб муваффақиятнинг республикамиздаги бошқа корхоналарга ҳам ёйди.

Т. ВЛАДИМИРОВ.

КОММУНИСТЧАСИГА ИШЛАБ, ЯШАЁТГАНЛАР

Ҳамзанинг янги тўпламлари

Ўзбекистон ССР Давлат бадний адабиёт нашриёти Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниезийнинг туғилган кунига 70 йил тўлиши муносабати билан шон-нинг II томлик танланган асарларини нашрдан чиқармоқда. Танланган асарларнинг I томи китобхоналарга тақдим қилинди. Тўпламни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Пуншн иомли Тал ва адабиёт институтининг қолимлар ва ҳамза-шумос олимлардан Ю. Султонов, Л. Қайюмов, Х. Зарипов, П. Шамсиев, И. Ражабов, Қ. Муниров ва М. Мирзаахмедовлар тўпланганлар ва нашрга тайёрлаганлар.

I томга шониринг 1907 йилдан то умрининг охиригача ёзган шеърлари, қўшиқлари ва «Факирлик нимадан ҳосил бўлур?», «Йигитлар товуши» каби асарлари кирган.

II томга Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт», «Ломмон фожияси» асарининг III бўлими («Истибод қурбонлари»), «Тўхматчлар жазоси», «Ким турму?» ва 10 га яқин пьесалари кирган. II том драматург Қоимил Яши тахрири остида нашр этилмоқда.

Нашриётнинг классик адабиёт бўлими филология фанлари кандидати Лазиз Қайюмовнинг «Иниқлоб қуйчиси» номли китобини, Осиё Қосимовнинг «Ҳамза Ҳакимзода» номли библиографиясини ҳамда бир неча авторларнинг мақолалари кирган «Ҳамза Ҳакимзода мақолалари» тўпламини тез кунларда нашрдан чиқарилади.

«Ҳамза Ҳакимзода мақолалари» тўпламига филология фанлари кандидати Фахри Қамолнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг ташкил топиши ва ривожда Ҳамзанинг роли», профессор Воҳид Зоҳидовнинг «Ҳамза ва Шерк», Л. Қайюмовнинг «Ҳамзаушумослик тарихи» ва «Ҳамза Ҳакимзода Ҳамзийнинг эстетик қарашлари» Р. Н. Қамолотовнинг «Ҳамза Ҳакимзодининг илк поэтик тўплари», Ҳалима Мухторованинг «Ҳамза Ҳакимзодининг ашула тўплари» ва бошқа авторларнинг Ҳамза ҳақидаги мақолалари кирган.

Зулфия МИРПҲАТОВА.

Завод агитпунктида

Металл фурнитур заводидаги клуби шу кунларда одамлар билан гажум бўлмоқда. Бу ери ишчилар, хизматчилар, кексалар тинимсиз келиб туради. Улар халқ суварига бўлган саволга шу ерда овоз берадилар.

Клубда 46-агитпункт жойлашган. У КПСС XXI съездининг қарорлари ва улуг етти йиллик топириқларини муваффақият бажариш учун курашга улловчи, совет демократиясини улугловчи шор ва плакатлар билан безатилган. Қизил бурчакда турли газета ва журналларнинг яниги сонлари бор. Деюрда 3000 дан ортиқ саволларнинг рўйхати осиб қўйилган.

Бирон ўз исми ва фамилияси, туғилган йили тўғри ёзилганлигини текшириб қўриш, бошқалар аса соғайишнинг қонунийлик, совет демократияси, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятга қарши курашда жамоатчиликнинг роли каби темаларда ўтказилганлиги сўхбатни тингилар учун келган.

Агитпункт мудри фото Николай Петрович Уаев ва завод партия ташкилоти ҳузуридаги агитколлективнинг 40 аъзоси сайловчилар хизматда.

Н. РУСТАМОВ,
Оржоникиде райони.

ШАҲАРЛИК МАДАҚНОРЛАР



Суратларда: (юқоридан пастга), Ўзбекистон телеграф агентлигининг корректори комсомол аъзоси Саида Нағибина Сирларё районидаги Охунбобоев номидаги кўлхоз далаларида фидокорлар меҳнат қилиб, ҳаммага ўрнак бўлмоқда. «Кизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сўрх» бирланган нашриёти ротацон психининг контроллери Ташара Сербяникова ҳам шу кўлхоз пахтакорларига катта ёрдам бериб 3 миллион 170 минг тоннага муносаб ҳисса қўшмоқда. Р. Шамсиевнинг фотоси. (ЎТАГ фотохроникаси).

(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА)

